

**АДИБА УМИРОВА**

# **ҚУЁШГА ЙЎЛ**

*Шеърлар*



**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2008**

84(5Ў)6

У71

Умирова, Адиба.

Күёшга йўл: шеърлар / А. Умирова. — Тошкент:  
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаза ижодий  
уиि, 2008. 104 б.

Шоирлар ҳар куни тұғылғасермайды. Шоирни — Ҳалқиминг  
юраги туғади. Шоирлар — миилат қалбининг қушиқчилариdir.  
Миилатни улуғлаш шарофати — шоир кийган тожни  
ярқиратади, тождаги олмоснинг ҳақиқийлигига кафолат  
беради.

Ёш шоира Адиба Умирова ҳам ҳалқимизнинг юрагидан  
жой олишга интилаётган самимий исходкорлардан. Сизнинг  
құлингиздеги ушбу китоб унинг адабиётимизга дадил  
қадамлар билан кириб келаёттанидан далолат беради.

ББК84(5Ў)6

v 4702620202-86 2008  
M352(04)-2008

ISBN 978-9943-03-176-0

© Адиба Умирова,  
Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаза ижодий  
уиि, 2008 й.

\* \* \*

Кўҳна Насаф чўлларининг бинафшасини эслатгувчи бу сингилнинг исми Адиба, ўзи шоира. Бир неча йиллар бурун ёш ижодкорларнинг Зомин семинар-кенгашида гулдираб шеърлар ўқиб, ҳаммани ҳайратлантирган. Фолиб бўлган. Кейин Миллий Университет қошидаги Олий Адабиёт курсига ўқишга кириб, уни битиришга ҳам улгурди.

Истеъдодни Худо юқтиргани яхши, албатта. Бироқ уни, яъни истеъдодни эплаб-авайлаб, катта манзилга элтмоқни киши ўзи уддаламоғи керак. Ўзи бир бинафшадай қиз бўлса, баъзан “Э-э, бинафшажон-ай, шу азоблар сенга зарурмиди?...” дегинг келади.

Шеърни эрмакка “ялламаёrim” қилиб, сўзни сақичдай кавшаб юрганлар бор. Шоирлик эрмак учун берилмайди. Адабанинг, мана, неча йилдан буён бу йўлдаги изланишларининг натижаси – шеърларини ўқиб, бирдан жиддий тортиб қоласиз. Шеъри ўзига, ўзи шеърига ўхшайди. Ўз нуқтаси, ўз оҳангини топиб олган. Бинафшанинг оҳанглари десак – майсадан сал баландроқ гулгинага бу шеърлар оғирлик қиласмикин деган ўйларга ҳам боради киши.

Нима бўлганда ҳам – исми Адиба, ўзи шоира. Қўлимдан келганда бу синглим учун кийиклардан сўзбоши ёздириб олардим. Минг афсуски, кийиклар Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эмас – таклиф қиласам келолмайди. Шунинг учун ўзим ёзиб қўя қолдим. Бахтгинаси бутун, сўзи доим баланд бўлсин.

*Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

---

## ДАШТ

Дашт. Кизил қум. Сўнгти саратон.  
Гулханларинг сўнг дафъа ёқиб,  
Кўз олдимдан солланиб чунон,  
Мағрур қиздек турасан боқиб.

Ҳадигингми, Шарқнинг шамоли,  
Кузатарсан, беизн, бесёз.  
Хайрлашув чоғидек ғамли,  
Ҳар не менга туюлар азиз.

Уфқ сендан бошланган эй, чўл!  
Барҳанларинг кечардим яланг.  
Чақиради олис, нурли йўл,  
Олис сукут... бошокранг даланг.

Қандай гўзал эди... Қирларинг  
Қия тепалар... иссиқ меҳринг.  
Томиримда оқар шивиринг,  
Тортар эди ҳаяжон, сеҳринг.

Чўпон қизнинг ҳасратларида  
Юрагингни берганимидинг ё.  
Довул бўлсанг дарбаналарида  
Кум зарранга айланар дунё!

Одам бўлай девдим, бу ҳаёт  
Шоир қилди базмларга ўч.  
Чорлайвердинг соғинганинг пайт,  
Унутдилар, унутмадинг ҳеч.

Орзуларим қаноти улкан,  
Осмон эмас ғамларни қучди.  
Ҳақ – ягона. Сен ҳақ экансан,  
Руҳим яйдоқ бағриніта учди.

Сен мантусан. Замонсоз замон,  
Ўз сўзимда турдим ловуллаб.  
Сенда битта қолганди имкон,  
Битта йўл бор кутар ҳувиллаб.

У мен учун яралган каъба,  
Асрларнинг эврилар тоши.  
У мен учун тавбадир, тавба,  
Кезар гумроҳларнинг кўз ёши.

Тўзонларинг кўзимга кириб,  
Бағрим эрур бу лоларанг қир.  
Фақат сенда шон-шухрат мағлуб,  
Тақдиримиз, манзилимиз бир!

Дашт. Қизил қум. Сўнгги саратон...

---

## АНГЛАДИМ

Тўкилсам тоғларга тукилдим, Сингил,  
Булутлар сочимга ташлади қиров.  
Жангари қуёшдек чиқиб келдим тик,  
Ўзимни ёнлирди мен ёқсан олов.

Адашган кемадек тошга урилдим,  
Сўзларим аскардек сафларга турди.  
Майсадек босилиб, қайта тирилдим,  
Бўғзимга Ватаннинг ҳиди урилди.

Юракни кўтардим уфқа қадар,  
Тўкилди ойна кўлнинг синиклари.  
Тупроқжон юксалгин дея ўстирди,  
Заминнинг оғриқли ҳўрсиниклари.

Кўлларим эрк бўлди, кўзларим найсон,  
Асрлар фарёдин ёдимга солди.  
Қанча омонатлар ўтди жонимдан,  
Мени ер кўтарди, бағрига олди.

Ўзимни кул қилди мен куйдирган чўт,  
Шамолга совурдим қанча вақтимни.  
Кўмсадим, кўнолмай турган бургутдек,  
Ватан деб йиқилган дараҳтларимни.

Юксалсам юксалдим ўзимдан баланд,  
Кўзларимдан кечди қанча дарёлар.  
Тушларимга кирав ярим тун гарчанд,  
Манглайи қоп-қора мотамсаролар.

Англадим, мен – Ватан, бўлажак – Она!  
Юрагимдан ўтди минг йиллик сурон.  
Ватан яшар экан мангу, мардона,  
Оналар туғилса шер юрак билан!



---

## ЭРКМАН

Кумдек совурсалар заминдан туриб,  
Овозим отаман: кўкни кучадир.  
Йўлларим тугаса қуёшга юриб,  
Кўлларим чопсалар, руҳим учадир.

Дардларим ипакдек эшавераман,  
Ховучлаб йиголмас соҳилларимни.  
Осмондан туширса, тушавераман,  
Юлдузларга ўраб кокилларимни.

Ёдини уйғотиб Қашқадарёнинг  
Тунайман хаёлнинг кулбаларида.  
Исмимни ўчирса тошлар бағридан,  
Яшайман юракнинг қалъаларида.

Бошимга дор келса, қирқ қилич жоним,  
Зулматта кўмсалар, нурга тўламан.  
Улуғвор тоғлардан қўшилган хоким,  
Тошдек қулатсалар, кўрғон бўламан.

Кечсалар кечмишим минг кеча-кундуз,  
Уфқقا отсалар, ишқман, юракман.  
Ердан кўкка қараб отаман иллиз,  
Кесилсан — гулханман, гулласам — Эркман!

---

## ОРЗУ

Қонимдан ҳар кўкарған гул олов бўлса,  
Шовиллаган дарёлардек оқиб турсам.  
Саҳроларнинг юрагида бир тоғ бўлиб,  
Селдек оқиб дард келганда туриб берсам.

Йўқлик ичра Ота дея берсам садо,  
Қашқаларё томонлардан даштлар келса.  
Ватан, шаъннинг кўтармоқча кўксим аро,  
Худойим бир Алломищдек ўғил берса.

Бир ғам берса, суйиб-суйиб куйлаб ўтсам,  
Ҳар тўкилган япроғингда фило бўлсам.  
Кетар бўлсам чинорлардек баланд кетиб,  
Яссавийлар тупроғидан бино бўлсам.

Шамоллар умримни қетмай совуриб,  
Бағрингда ям-яшил гиёҳдек унсам.  
Бир куни ўзимни сурдан супуриб,  
Энг баланд дараҳтдек қадим кўтарсам.



---

## ҚАЛБИМДАГИ ҚИБЛАМ

*Усмон Носирга*

Ҳар қүшга руҳинг деб тутаман ушоқ,  
Ҳар ерда қадаминг кузатган йўллар.  
Ҳар баҳор дийдоринг соғинар тупроқ,  
Ҳар тошни қабринг деб элтаман гуллар.

Минг йилки гулдирак овозинг сўнмас,  
Минг йилки ёдинг ҳеч тортмагай хира.  
Минг йилки юракда қон кечиб битмас,  
Сенинг кўксингдаги битмаган яра.

Сочимда оқарар йигирма беш йил,  
Аёвсиз суронлар билмагай шафқат.  
Вижлонинг олдида турибман бедил,  
Ҳар айттан сўзингда ёнар ҳақиқат.

Қайси шамолларга юрагинг йўллаб,  
Кунлар беҳуда ўтди қоп-қора.  
Қайси чечакларда пинҳона гуллаб,  
Қайси саҳарлардан кечлинг ошкора.

Билардинг, энг сўнгги дамда ҳар бир зум,  
Эгилган бошларни кесмайди қилич.  
Йўқ, сен эгилмадинг эгилди ўлим,  
Сотқинлар сотдилар сотилмадинг ҳеч.

Хаёлинг айланар минг бир сўроқقا,  
Шеърларинг бағримни ёқар кун сайин.  
Боболарим ётган азиз тупроқقا,  
Муносиб бўлмоқлик нақадар қийин.

Шунча азизмиди жонингдан Ватан,  
Шунча ҳаётингдан ортиқмиди Эрк.  
Гўзал ёрга эмас кўксинг дафъатан,  
Маломат тошларга тутиб бердинг тик.

Бунчалар буюксан Она шеърият,  
Бунчалар оламда разолат тутқин.  
Битта сўз дунёни тузатса бошдан,  
Битта сўз қисматта ясаса якун.

Лек сенинг дардларинг топмас ниҳоя,  
Номаълум юлдузга бокурман сен деб.  
Дарахтлар сўзлайди ғамгин ҳикоя,  
Ҳар майса шивирлар исмингни айтиб.





### Пушкин ҳайкали қошида

Тинглайман шамоллар марсиясини,  
Виқор-ла турасан боққанча мағрур.  
Қайназор оралаб кечган ўйларинг,  
Дилимга солади ажиб бир суур.

Сен – Руснинг ҳеч сўнмас юраги абал,  
Ҳақ сўзингни айтдинг энг қора кунда.  
Қузғун булутларни енгиб қандай, айт,  
Русни олиб чиқдинг қора қуюндан.

Нега тугамайди фитнапарастлар,  
Ватан деб лахта қон бўлмаган қалби.  
Сотқинлар отилмас, отилар мардлар,  
Қайгадир надомат, қувғинлик ҳали.

Конимда уйғонар хаёлинг, ёдинг,  
Тунларни тонгларга улайман ёлғиз.  
Наҳот сен сўз учун туғилдинг, ўлдинг,  
Қўзингда ҳайқирар мовийранг денгиз.

Дилингда, тилингда чўккан сўзларинг,  
Шоирлар шеър ўқир келиб қошингта.  
Асли шуҳратга ўч кибор давралар,  
Майда кўринади сенинг қаршингда.

Сен фақат Эрк учун туғилган виждон,  
Қошингда турсамда ўйчан ва беун.  
Сўнгсиз фуссаларим, дардларим билан  
Сенинг юрагингга яқинман Пушкин.

---

## ШОИР ВА МЕН

Шеърлар ўқир эдик осмонга учиб,  
Ўлим туоларди ҳаётдек мангу.  
Заминнинг юраги ётарди қонаб,  
Кўзларин босганча асрий ғам, қайгу.

Виждон энг муқаддас сажда, шубҳасиз,  
Ноҳақ посангилар келганда ғолиб.  
Ўйимиз бир эди: Муҳаббат билан  
Бу дунё шеър билан ўзгаради деб.

Дунё дунёс эмас – бевафо саҳна!  
Жирканч ниқобларда чиркин хаёллар.  
Қайдадир надомат, қайдадир фитна,  
Гўдаклар оҳидек инграр шамоллар.

Боқаман, кўзимда ҳадик, хавотир,  
Ногаҳон йиқилсанг, суяmas ё раб.  
Битта сўз топмоқлик нақадар оғир,  
Ўлгиси келмаган маҳбусга қараб.

Тушимга киради Навоий нега?  
Машраб хаёл сурар дорига бориб.  
Битта бевафодан қолган ғам нима,  
Агар Ватан турса юраги оғриб.

Қарсаклар чўғила қовурилар таним,  
Мени ташлаб кетган қемалар қайда?  
Дўстим, айт, шоирлик нима дегани,  
Бир меҳрибон қўллар керак пайтида.

Мангулик саҳнамас, мангулик – мангу,  
Сўз – абадий, мен-чи йўловчи одам.  
Мен бир шеър излайман, йўқолсин қайғу,  
Гуллар, чечакларга тўлсин бу олам.



---

## ХАЁТ ҚЎШИГИ

Кишдан қолган кўкимтири совуқ,  
Юрагимдан ўтаётгандек.  
Сўнгги вагон, сўнгги ўриндиқ,  
Сўнгги йўлга кетаётгандек.

Ўртамизда қалин туманзор,  
Кипригимда ҳасратлар нами.  
Деразамга урилар ёмғир,  
Ҳислар дилдан тукилган каби.

Поезд илдам қадам ташлайди,  
Айрилиқни этајапман ҳис.  
Хаёт ҳақда қўшиқ бошлайди  
Ёруғликка чиққан бир маҳбус.

Күшлар каби учади нотинч  
Ташвишлардан чарчаган хаёл.  
Иккиланмай киради бу кеч  
Хиёнатнинг йўлига аёл.

Ортга қайтмоқ буюк хатодек,  
Олдга юрмоқ нафаси ўлим.  
Садақасиз қолган гадодек  
Ўтаверар омадсиз куним.

Яшин урган туйғулар бебош,  
Беҳаловат тўлғонган дамлар.  
Кимдир шодон, кимдир кўзи ёш,  
Кетиб борар вагон... Одамлар.

Юрагимни сезмайди ҳеч ким,  
Атрофимда куз хазонлари.  
Кўлимдаги сўнгти китобим –  
Оқсоч қизнинг гул армонлари.

Тун – кўксимга аланга ёқар,  
Кун – кўзимда сўнаётган ўт.  
Сўнгти бекат дегандек боқар  
Менга чипта узатган йигит.

Тонг отади маъюс, дилпора,  
Ташқарида гулиллайди қор.  
Масҳарабоз тасқара, ҳаёт –  
Ҳаёт гўзал боқар нақадар!



---

## МАКТУБ

Тушларингга кирибман яна,  
Faфлат ичра чўкканда шаҳар.  
Хавотирга ишонма, Она,  
Етиб борса совуқ бир хабар.

Юрагимда шу юртнинг ишқи –  
Уфқ аро ёнар ҳавасим.  
Ҳаққинг бордир менда кўп ҳали,  
Тузларингда бор эди ҳаққим.

Ҳаётимни таъқиб қиласар ким?  
Мен ўзимга йўлман – етмадим.  
Йигирмамда санчар юрагим,  
Ёлғонлардан бир сўз айтмадим.

Кўзларингни соғиндим, Она,  
Дунё – қора, юрагинг – оппоқ.  
Хузурингта кечикдим яна,  
Сендан кўра У керак кўпроқ ...

Сезгилардан тирилар олам,  
У бир ишқи кўзимга сифмас.  
У – бир мозий, унутилмас ғам,  
Куйганларим кипригинчамас.

Мен қайгадир шошаман шу он,  
Етиб борар балки сўнгти хат.  
Мен бахтиман... фақат, Онажон,  
Кўзларимда йиғлар аччиқ баҳт!



---

## БОЛАЛИККА МАКТУБ

Ҳисларимга тушгандек Қирор,  
Хавотирга кўмилар йўлим.  
Юрагимни муштлайди бирор,  
Яшамайман сен билан, ўлим!

Фамларимга бўлсанг-чи далда,  
Оқ тундаги фариштам эдинг.  
Ишонардим ҳаммаси олдда,  
Рангпар бир қиз йиглар: “Алладинг!”.

Сўнгги манзил ва тугаган йўл,  
Қоламанми бу кеча омон?  
Кўксим узра қонаётган гул,  
Ураверар: “Ёмонсан, ёмон!”

Сендан қолди энг кўхна ўкинч,  
Болалигим ўтди тушлардек.  
Гулламадим ўриклардек ҳеч,  
Яшамадим озод қушлардек.

Ичимдаги отилган овоз,  
Чиқар қачон бағримдан унинг?  
Ўйнамагин бу ҳаёт – морбоз,  
Илонлари кўксимда менинг.

Фолиб чиқкан қуёш томонга  
Соя солган соялар синар.  
Болаликдан қолган осмонга  
Баҳор олиб келар турналар.

---

## КЕМА

Тушимга кирибди бир қоп-қора кун,  
Ғашлик босаётир билмадим, нега?  
Кўзимга бостириб келаверар тун,  
Шовиллаган денгиз ва оппоқ кема.

Шамолдек увлайди руҳим ҳам нотинч,  
Минг бир таҳлика бор ҳар сўроғимда.  
Қайга шошаяпман, билолмадим ҳеч,  
Денгизлар ғарқ бўлар кўз қарофимда.

Юракка бош урар телба тўлқинлар,  
Осмонлар кўзимга тўқилар шу дам.  
Уфқлар ортида кўмилган қуёш,  
Денгизлар ортида турасан бегам.

Ўртага чўкади оғир сукунат,  
Қип-қизил кўйлакда ёниб бораман.  
Худойим, жонимдан ортиқ асраргин,  
Уни ҳаётимдан кўпроқ севаман...

Оғир хаёлларим – сокин оқар кўл,  
Ҳижрон довуллари эсади бот-бот.  
Ортимда қолади – ортга қайтмас йўл,  
Олдимда бир қадам турар аросат.

Шамоллар бир зумда қўтарар тўфон,  
Оху нолаларим кўкка етади.  
Ёнимда туриб ҳам сезмай қоласан,  
Мени оқ кемалар олиб кетади.

---

## ДАРЁ

Беҳишт боғларининг тушига кириб,  
Бокира кунларга қоришиб унган,  
Мен бир юлдуз эдим, энг олис юлдуз,  
Покиза осмоннинг бағрига қўнган.

Тоғлар ҳам пойимга чўкар эди тиз,  
Нафис гуллар билан сирлашар эдим.  
Ойнинг нафасини куйдириб ёлғиз,  
Фақат баҳор билан бирлашар эдим.

Қачон нигоҳимга кўз тикдинг, Дарё?  
Қип-қизил олмадек оқизиб кетдинг.  
Ўн беш күн сен билан яшадим, Само,  
Ўн беш кун сахролар бағрига етдим.

Бир хасдек урилиб кетдим қирғоққа,  
Кўксимда бир қучоқ қақраб ёттан чўл.  
Учаман — самолар сендан йироққа,  
Юраман — тўрт томон сенга қарши йўл.

Кўчангда тентираб кезар телба куз,  
Хонангни супурар таниш армонлар.  
Мен жимман, сен жимсан, олам жим шу кез,  
Ховлингни тўлдириб йиғлар хазонлар.

Ортимдан сарғайиб қолади кеча,  
Тилимни куйдирар ловуллаган чўғ.  
Мен-ку кетаяпман, шу кетишумча  
Қайга бораяпман, худойим, беруҳ?

Бир куни ўзимга қайтаман, беҳол,  
Дарё, юрагимни сенга отаман.  
Ҳали тушларингга кириб bemажол,  
Настарин гуллардек оқиб кетаман.

Бир куни мен сенга айланиб Само,  
Бир куни ўзимга қайтаман Ҳаво.  
Кўксимга илинж бер, яратмоқлик бер,  
Мен сенинг бир ожиз бандангман, худо.



---

## МЕНИНГ ОЛОВЛАРИМ...

Кўзимга тўкилиб келар хиёбон,  
Хайрлашмоқ оғир сўнгти йўлакда.  
Ғамларга кўмилиб кетасан шу он,  
Мен эса қоламан хазон қўйлакда.

Юрагимга боттан кипригинт аро,  
Кўксимга тўкилар синиқ илинжлар.  
Яна дийдорингга етгунимча то,  
Сочимда оқариб кетар соғинчлар.

Ям-яшил ғамларга ўралган бекат,  
Юрагимдан ўтар автолар.  
Барча ўлимларнинг ичидан кечиб,  
Сенинг кўзларингда яшагим келар.

Исмингни ёзаман тонгда Қуёшга,  
Тунда тўлғонаман гуллардек бехуш.  
Менинг оловларим сўнмаган ёшида  
Сенинг кўзларинг туш...  
Киприкларинг туш...

Тутқин қуш сингари бандиликда дил,  
Бунча хаёлларинг осмонлар қадар.  
Юраман, қаршимда ёлғизоёқ йўл,  
Хазон ёмғирига чўмилган шаҳар.

---

## ҚАЙТИШ

Шу туман тарқаса ҳаммаси ойдин,  
Нега гул фаслингиз тўкилар беҳол?  
Қарант, юлдузларнинг шуъласи ёрқин,  
Юракда туғилган орзулар мисол.

Мен жимман, сиз жимсиз, бу қандай ёниш?  
Умрин лов ёндириган хазонлар дилгир.  
Хиёбон... йўлаклар... ифорлар... таниш,  
Кўзингиздан оқсан каби оқ ёмғир.

Мен қайси йўлдаман, шиддатли дарё,  
Қоронғу кечалар тўkkанида нур?  
Юракни ёқсан ўт севгими, видо,  
Билмадим, у не сир, қандайин сеҳр?

Тўхтатиб бўлмайди тизгинсиз вақтни,  
Ҳали тўкилмаган кўз ёшлар олдда.  
Дунё тортиқ қилди сиздайин баҳтни,  
Розиман тақдирдан, розиман ғамдан!

Кўринар осмоннинг ёришган қалби,  
Изтироблар қолмиш зулматли тунда.  
Шу туман тарқаса ёмон туш каби  
Рұҳимиз топишар ердами кўкда.

---

## ХОТИРАЛАРИМ

Майда ташвишларга қўлимни силтаб,  
Хаёл оғушига чўмаман елғиз.  
Оқшом кечәётир дилга ўт қалаб,  
Қандайдир шарпалар кезади руҳсиз.

Кўзимга киради таниш кўчалар,  
Мендан розимисан, эй қора кузим?  
Боргим келаяпти жимжит кечалар,  
Унда ҳасратларим, тоабад дардим.

Унда болаликнинг зангор сурати,  
Кечки кузаклардек совурилар сокин.  
Қайда юрагимнинг олов шиддати,  
Қайда кўзларимни кўйдирган учқун?

Киприкларим узра тўкилади йўл,  
Кимни бахтсиз қилди мендан ўтгани?  
Ташқарида нега бешинчи фасл,  
Юрагимда январ изғириллари?

Бир парча ер усти, булутлар қулранг,  
Видосиз йўлларда бузилар кўнглим.  
Дераза ортида маъюс ва дилтанг  
Қор каби ёнади хотираларим.

---

## ШЕЬР

Декабрнинг сўнгги... Изиллар совук,  
Тинглайман шамолнинг увиллашларин.  
Қорда қолган қущдек излайман қуноқ,  
Куюқ теракзорлар шовиллашларин.

Шарқ, тезроқ уйғонгин, тарқалсин туман,  
Маҳзун кечаларим кечар беомон.  
Хаёлимдан кетмас Онажон – Ватан,  
Полапондек учиб кетдим қай томон?

Жунжикиб боқаман қорли кўчага,  
Изгирин шамоли билмайди тиним.  
Оқ ганчдан тикланган ялдо кечада,  
Адашган қуш каби кўринар дўстим.

Кўзларим қувониб очаман қучоқ,  
Шеъримдан туяди буғдойзорларни.  
Гулхан атрофига қолганча узоқ  
Дўстимга сўзлайман тўқайзорларни.

Кувғинлик кўзимга қўринмас шу пайт,  
Кечган хотиралар эсланаар бир-бир.  
Дўстимнинг ташрифи – ҳеч тутанмас баҳт,  
Тун бўйи ловиллар гулханқоғоз... шеър!

---

## ИСТИҲОЛА

Кўзларимни босади ҳадик,  
Ҳаволарда йилларим ёнди.  
Йигирмамни кечганда юрак,  
Мен ўзимни топибман энди.

Шамолларда соврилган хасдек,  
Тупроқларга қоришгим охир.  
Боши дорга етган маҳбусдек,  
Мен жонимни ўйлайман ҳозир.

О, эртамда қандай куним бор,  
Бўғзим узра қайтади унлар.  
Тақдиримдан қандай фол очар,  
Тангри номин сотган фолбинилар.

Бир-бирларин сотарлар шундай,  
Зулматларда ёришгайми йўл?  
Мангаликни талашар тинмай  
Атрофимда уч-тўртта ғофил.

Мен ўзимни соғинцим, Осмон  
Ғамларимга ўралашдими?  
Мен яшашни бошлайман қачон,  
Мен севишига улгурманми?

---


## КАККУ

Ваҳимали чўкаётир тун,  
Кунлар кириб келар долғали.  
Хой каккужон, сайрамай тургин,  
Бошламадим яшашни ҳали.

Ҳавасларим тўкилар йўлга,  
Милтирайди умидлар шами.  
Кирганим йўқ бирор қўнгилга,  
Севаман деб айтмадим ҳали.

Юрагим ҳам урап беомон,  
Эшигимдан кетмайсан нега?  
Мен ҳаётни яхши қўраман,  
Бор бошқанинг деразасига.

Ҳаётимни таъқиб қилас у,  
Самоларга юзим бураман.  
Сайрайверар тинмайин какку,  
Мен яшашни хаёл сурман.



---

\* \* \*

Қайларгадир отланган шовқин,  
Кузатишдан эзилган бекат.  
Шамолларни кечганча беун,  
Юрагингта юраман ҳаёт.

Бекуд эсган еллар бесамар,  
Барча зулминг енғанман фалак.  
Афсунингни тўхтат, афсунгар,  
Сенга чақа, менга баҳт керак.



---

\* \* \*

Юрагингни ёмғирга бўшат,  
Шамолларга руҳингни боғла.  
Кўлларингта учишни ўргат,  
Қадамларинг чопсинлар олға.

Аёз дема, кузга қарама,  
Тоғларга юр, денгизларда суз.  
Қалбинг ташла оловга мана,  
Хато бўлса дунёсини буз.

Сўнгти томчи қонингча кураш,  
Сўнгти нафас бўлгунча тиргак.  
Қанча аччиқ бўлмасин яшаш,  
Фақат тирик қолмоғинг керак!



---

## ҚОРОНҒУ ЎЙ

Кипригингни куйдиради ғам –  
Хазонларнинг аччиқ ҳидлари.  
Кириб келар қоронғулик ҳам  
Кўйлагини ташлаб сен сари.

Совуқ шамол эсар дарчангда,  
Изгириндек ўтар фироқлар.  
Январ йиглаб кирган хонангда,  
Кўринади қора чироқлар.

Япроқларнинг қорамтири рангти,  
Нигоҳингта шарпадек қўнган.  
Манглайингда армон чизиги,  
Борар йўлинг ҳасратта тўлган.

Рўпарангда туарар ғамгин йўл –  
Сарғаяди кўнгил барглари.  
Кўксингда қон йиглаётган гул,  
Ойдинликинг кўрган тушлари.

Чўкиб бораверар шу куйда,  
Ортингдаги қолган қоялар.  
Кириб кетар қоронғу уйда,  
Дунё кезиб келган соялар.

---

## РАССОМ

У кўз юмиб расм чизади,  
Дала-даштлар... шаҳар... гулларни.  
У кўз юмиб расм чизади,  
Рамкаларга сиғмас йилларни.

У ўйлайди довонлар ошиб,  
Гумбазларга кетар хаёли.  
Инсон ақлин кўяр шошириб,  
Камалакнинг етти жилоси.

У тарихни жойлаб нуқтага,  
Асрларни қолдиради танг.  
Милён йилки бир хил тахтада,  
Ўзи билмай бўяр бир хил ранг.

У сезмайди ўтар ёзу куз,  
Бедорликда қанча туну кун.  
У чизолмай излайди ҳануз,  
Тополмасдан дунёning рангин.



---

## ҲАДИК

Йиқилғанни сүядимми ҳеч,  
Аритдими боттанда ғамга.  
Умрим бўйи ёки бир ҳовуч,  
Сув тутдимми чанқоқ одамга.

Маломатлар қилмасми мени,  
Ичимдаги йиғлаган бирор.  
Ёки худбин дўстлар сингари,  
Фақат ўзим ўйладимми ё.

Таъна қилмайдими сўзларим,  
Яшайманми ё йўқми бугун.  
Сотмайдими эрта кўзларим,  
Қарғамасми қўлларим бир кун.

Тўхтаб қолди ҳаётим қайга,  
Кўзим очсан босади ҳадик.  
Берилганда мендан бошқага,  
Бахтли бўлармиди бу юрак.



---

## ЯШАШ ФАСЛИ

Тўрт томон сурур, тўрт томон баҳор,  
Еру осмон ўзимдек караҳт.  
Юрак бундай урмаган бедор,  
Бу қандай ишқ, бу қандайин баҳт?

Қўлларим — гул, киприкларим — гул,  
Олисларда ёнмоқда афсун.  
Дунё ғамин унутдим буткул,  
Ёлғизим, айт, нечун мунглисан?

Нечун ғамли қўзларинг хорғин,  
Юлдузларим олов отмасми?  
Боғлар аро шивирлашар тун,  
Киприкларим бир-бир ботмасми?

Юрагингни ёқмасми гунча?  
Кузатасан ҳазон йўлларни.  
Шу дийдорга етгунимизча  
Кечдик қанча қора селларни.

Ўлдирмасми ҳаяжон шу пайт,  
Юр, учамиз уфққа томон!  
Яна қайтмас бундайин фурсат,  
Севги бизга берилган имкон.

---

## МАРТ ОҚШОМИ

Кўзларингта кирган каби бахт,  
Деразангдан кўринар баҳор.  
Ҳадиксираб боқаман шу пайт,  
Дийдорингга етгуним қадар.

Димоғингда атиргул ҳили,  
Юрагингни ёқар беомон.  
Ҳисларимга тўлган боғ ичра,  
Тарқалади ёсуман туман.

Кипригингдан тушиб келар сой,  
Ҳасратларим тўкилар бари.  
Кўклаб кетди бағримда уч ой,  
Дараҳтларнинг яшил тушлари.

Гаримселнинг кўчаларида,  
Кипригингдан тўкилар олов.  
Мартнинг сархуш кечаларида,  
Олиб кетдинг туманлар аро.





Ташқарида шитирлар ёмғир,  
Кириб келар бир шалаббо тун.  
Дукиллайди юрак бесабр,  
На қулимиэ, на манзил яқин.

Деразамда йиғлайди видо,  
Дарчангизга урилар ёдим.  
Ёмғирпүшсиз бу кулба аро,  
Капалакдек учар хаёлим.

Иккимиздан қолар бир хотир,  
Армонимиз, дардимиз бирдир.  
Ташқарида шитирлар ёмғир,  
Бўғзимизга тиқилар недир?



---

## ҮН ТҮҚҚИЗНИНГ СОЧЛАРИ ОППОҚ

Нигоҳларим турар заъфарон,  
Гулдонингиз – гуллар чамани.  
Мен бошқача сизни севаман,  
Фунчаларга кўмилган каби.

Гул фаслимда гул ёнаяпман,  
Боғларингиз армонга тўлиғ.  
Кўзларимга ўт истаяпман,  
Борлиғим ишқ... үн түққизим ишқ.

Олмалардек адашиб оққан  
Кўнгилгинам сизга кундими?  
Кўзингизга оловлар ёққан,  
Чақмоқларим эрта сўндими?

Яшайманми гулдек сарғайиб,  
Ховлингизга ҳазон тўлади.  
Елкангизга бошимни кўйиб,  
Бир чиройли ўлгим келади.

Осмондан ҳам баландроқ элим,  
Ишқингизга кўмилдим шу чоғ.  
Боғингиздан кетиб борар жим,  
Ўн тўққизнинг соchlари оппоқ.



Сенинг измингдадир жону жаҳоним,  
Юракман, исёнман, ишқман бор-йўғи.  
Нега кўзларимдан излайсан хато,  
Ўзи бу дунёниг қаери тўғри?

Ҳаммадан қолган май қўйқаси – ҳаёт  
Бу телба руҳимни кимга оғдирап?  
Кумнинг заррасидан кичик коинот,  
Бошимга маломат тошлар ёғдирап.

Юксакроқ нима бор сенинг кунглингдан,  
Исминг лабларимни кўйдирган чўғми?  
Ўзингни оқлайсан кўз ёшларимда,  
Дилкаш кўзларингнинг гуноҳи йўқми?

Арзимай шу битта мангу лаҳзага,  
Тириклик ҳикмати бир куни битар.  
Юрагимни кўмиб ишқзорларингта,  
Қақроқ лабларимга тўкилсанг нетар!



---

## РУҲИМДА УЙГОН

Мен – сенинг ўзингдан кечмаган ёдинг,  
Соҳир кечаларни қийнаб ёттан туш.  
Кузги боғлар аро тентираб, дайдиб,  
Исмимни чақириб ўпасан бехуш.

Қўлларинг нобакор, гуноҳкор тунинг,  
Хаёлим умрингдан ҳам қоронгуроқ.  
Менсиз яшамоқقا йўқ бирор кунинг,  
Бахтинг йўқ дунёда мендан қайгуроқ.

Севгимки кузингда ёнаётган ўт.  
Мен сенман, ташлаб кета олмайсан.  
Энг ёрут нур каби кўзингга кириб,  
Бир гўзал хаёлман унуполмайсан.

Сен учун Худодан сўрайман шафқат,  
Бир илинж истайман дил оҳимизга.  
Бўйнимдаги дорсан, жонимга қасдсан,  
Тунларни кўмасан гуноҳимизга.

Хур насим сингари руҳимда уйғон,  
Севгим шундай аччик, чимматдек қора.  
Олдинда ҳаёт йўқ, яшай олмайсан,  
Хатто ўлмоқликка топмайсан чора.

---

\* \* \*

**Айт, ўзи оламда нима бор муқим,  
Гулларни йиглатган ғамингдан бўлак?  
Яшамай кутаман. Бошимда тошдек,  
Айланар чарх, тархи бузилган фалак.**

**Эслашга арзирми пуфакдек дунё,  
Минг йилки армонинг кузим ёшлиди.  
Яшамоғим учун асрайди сени,  
Қисмат юрагимни итга ташлиди.**

**Қани, тез ўлсайдим азобинг ичиб,  
Наҳот, қўзларимта келмайди раҳминг.  
Бу совуқ дунёдан.., баридан кечиб,  
Наҳот, қучоғимда келмас яшагинг?**

**Хаёлинг майлига бериб умримни,  
Лабларга тегмаган майдек тўкилдим.  
Ҳаваслаб, орзулаб киприкларингни,  
Ҳали кўл тегмаган гулдек тўкилдим.**

**Наҳот, қўзларимда қолсанг абадий,  
Кўксимга оловинг оттил Самодил.  
Ёдинга урилиб тушади руҳим,  
Мени қўзларингта кўмгил, унугил!**



Кимсасиз чўлларнинг қақроқ бағрида,  
Дил дебман найсондек тўкилиб келсанг.  
Залолат қаърида, зулмат қўйнида,  
Кўзимга нур каби кўринган бўлсанг.

Чин дилдан севибман мен бир девона,  
Равза боғларини кезиб баногоҳ.  
Мазлум кечаларим қолиб афтода,  
Бедод кўзларингдан излабман паноҳ.

Кўзингга... сўзингта... сифинардим чин,  
Хўрландим. Гуллардек янчидинг, ўтдинг.  
Энг ойдин тунларинг ҳури эдим мен,  
Энг қора кунларни ташладинг, кетдинг.

Хўрланган руҳимнинг йўқдир мадори,  
Қайдан юрагимда имтиҳон, бу дард?  
Жонимдан ўтсада ҳаммаси... бари,  
Тирик қолмоғим шарт, яшамоғим шарт.

Шамоллар бўйнимга осилиб қўймас,  
Согинчинг раҳнида айланар гардун.  
Қайтмасанг бир нафас... энг сўнгги нафас,  
Ўзинг айт, курашмоқ, яшамоқ исчун?

Гуноҳларинг ювиб кетар соғинчим,  
Сен борсан барибир мунаvvар ҳаёт.  
Фийбатлар, ҳасадлар бари ўткинчи,  
Сен эса мангусан. Мангу муҳаббат.

\* \* \*

Мен келиб-келиб бир илонни сўйдим,  
Ҳамма қолиб ундан сўрадим најот.  
Совуқ юзларига юзимни қўйдим,  
Йигирма йил ёндим. Бемеҳр ҳайҳот.

Кафтида авайлаб, асрари жоним,  
Тишлари фичирлаб, тили тишлади.  
Ўзимнинг бераҳм, содик илоним,  
Менинг юрагимда ёзлаб, қишилади.

Кўзлари чиройли, қараб туймайман,  
Лабларим лабидан заҳар ичади.  
Бўйнига осилиб бир зум қўймайман,  
Дараҳтни қучгандек ҳиссиз қучади.

Дилга оғир ботар тош сийналари,  
Унинг бор бойлиги – ғам, андуҳларим.  
Сочларим толаси – хазиналари,  
Куриқлаб ётади сир сандиқларим.

У пардек беозор, бедил илоним,  
Бош уриб келади бармоқларимга.  
Ташлаб кетолмайман, нега, Худойим,  
Чирмашиб ётади оёқларимга.

Қалбимда бошланар қиёмат қойим,  
Йигласам йигламас, кулсам кулмайди.  
Менинг оқ илоним, оппоқ илоним,  
Бир айби – севишин билмайди.



**Келсайдинг...**

исмингга тўлса кўзларим,  
Хушиңгни ўғирлаб кетсан мангуга.  
Ҳали танимасдан, топмасдан ўзим,  
Шивирлаб оқсайдим томирларингда.

Рұҳинг само бўлса топинса қуёш,  
Сўнсан ҳам ҳеч кимга бермайин севсанг.  
Бағрингга отилса шу палаҳмон тош,  
Кўксига бошиңгни уриб йиғласанг.

Ҳийласи ўтмаса жовдиргар дуннинг,  
Ёмғирга тўқилсанг, эксанг юрагинг.  
Гуноҳлар оқласа гуноҳлигини,  
Ҳақнинг даргоҳини ёритса ишқинг.

Сенсиз нур сочмаса бу еру само,  
Абадий ғамларим қучиб яшасанг.  
**Келсайдинг...**  
айланса тўхтаган дунё,  
Кўзларимдан кечиб кета олмасанг.





\* \* \*

Борлиғим – хатодир, борлиғингиз – баҳт,  
Шаккокроқ малакман, сиз Арши аъло.  
Сиз – осмон заминга тушмаган ҳеч вақт,  
Мен сизга етмаган Ҳавоман Ҳаво.

Сиз ишқда мұкаммал. Толмайсиз сира,  
Яралған томчиман кипригингиздан.  
Мен ерда ғамлардан бунёд ожиза,  
Жаннатнинг насими келади сиздан.

Сиз дунда қиёмат бошлаган фоний,  
Саҳрои Кабирда отилган гулман.  
Адашган, кечиккан, гумроҳи осий,  
Ва яна Тангрининг ўзига қулман.

Сиз ўзин ахтариб топмаган банда,  
Мен сизни Тангридан севаман кўпроқ.  
Сиз кўклида Қуёшсиз ёниқ афсона,  
Мен эса бир сиқим тупроқман, тупроқ...



---

## ҚЎМСАШ

Аршдан тушган бир нурмидим, ё хурмидим,  
Киприкларим оловларга туташмиди?

Дарёларнинг тушларида бир тушмидим,  
Дунёлар ҳам бошдан – охир беҳиштими迪?

Софинчларим дийдорлардан дарак берса,  
Бир боқишим ер-осмонга исёниди?  
Бу дунёси борлигимча ишқ кўринса,  
Қайфуси ҳам келар баҳтдан нишонмиди?

Япроқ қаби узиб кетди қай бир шамол,  
Мен севишга улгурибман билмам қачон.  
Гул фаслимда бунча хазонлиғлар қайдан,  
Юрагингиз шунчалар ҳам торми, Осмон?

Исмингизга кўмилгайдир тўрт томоним,  
Кўзларимга тўлиб келар энг сўнгги йўл.  
Кўксингизда синиб кетди киприкларим,  
Борлигим – ишқ, бошдан-оёғингиз кўнгил.

Хиёбон ҳам видо айтар видоларга,  
Йиғлаётир кўзларимни қўйдирган ғам.  
Кетолмайман, куксим тўла ҳаволарга,  
Сиздек олов қани, ичиб совий десам.

Оғирмасми, пойингизда тўкилсам бир,  
Қонингизда уйғонмасми телба жунун.  
Мен севаман – ҳаёт мангу нафасимдир,  
Мен севмаган куним эса мен ўлган кун.



Минг йилки ўзимни ахтариб сенда,  
Минг йил лабларингдан ичдим истироб.  
Қўлингдаги гуллар кимга аталган,  
Севаман дейсану тутасан азоб.

Армонинг осилар киприкларимга,  
Гулдоңлар йиглайди кўксимни ёқиб.  
Ўҳшамайсан дея асло ҳеч кимга,  
Кетасан сочимга ғамларни тақиб.

Кунларингта кириб ичаман гуноҳ,  
Абадий руҳимни кўмасан кўкка.  
Тунларингта кириб ичаман гуноҳ,  
Сен ахир Худодек яkkасан, якка.

Бир томчи кўз ёшинг қурбонидирман,  
Шунчаки кўйимда парвонадайсан.  
Минг йилки мен фақат сеникидирман,  
Минг йилки сен менга бегонадайсан.



---

## ЁМФИРЖОН

Ивиб бораяпман сизга, Ёмфиржон,  
Бутун юрагимга ботмади қүёш.  
Хавотир ичиди тураман бежон,  
Синиқ деразамдан оқади кўз ёш.

Ўғирлаб кетаман хушларингизни,  
Нега борлиғингиз... кўзларингиз жим?  
Наҳот бузмадими тушларингизни,  
Тунларга эшилиб оқдан соchlарим.

Бизни учраштириди илоҳий тақдир,  
Ўзимдан оғриндим... ишқдан оғриндим.  
Агар гуноҳ бўлса сизни кўрмоқлик,  
Ўша гуноҳимни жуда соғиндим.

Ҳеч кимга ёқмадим, ёқмасам нетай,  
Баҳорнинг гуллари устимдан кулди.  
Майли сизга ёқдан гўзал ғам бўлай,  
Фақат сизга гўзал кўринсам бўлди.

Юрсам ҳам ўзимга қарши юраман,  
Юрагим бир дунё ҳасратга тўлди.  
Ёмфиржон, мен сизни яхши кўраман,  
Фақат сизга яхши кўринсам бўлди.

---

## ЁЛФИЗЛИК

Зим-зиё тун эди. Ёлғизман ёлғиз,  
Мен ҳам келаманми хаёлингизга?  
Боргим келаяпти баридан кечиб,  
Раҳмим келаётир аёлингизга.

Мен сўйсам шунчаки сўймасман,  
Рашким ҳам яшриндир қароғингизда.  
Икки олов ичра ёниб куймасман,  
Ҳар кун бир йиқилсан оёғингизга.

Кўзимда юлдузлар сўниб йиглайди,  
Ой кўкка суяниб, қуниб йиглайди,  
Ҳамма тақдирига кўниб йиглайди,  
Нега мен кўнмайман фироғингизга?

Икки юрак аро юриш бошлайман,  
Фамлар беркинади кўз қаролифида.  
Художон, мен энди қандай яшайман,  
Мұҳаббат ва нафрат аролифида.



---

## СОФИНЧ

Намиқдан соchlарим шуълаларида,  
Беҳишт гулларидек тукилиб оқсанг.  
Топинсам юрагинг зарраларига,  
Кўзларинг кўзимга оловлар ёқса.

Софинчдан эриса вужудим титраб,  
Ҳаммадан яширган сирингта етсам.  
Руҳсиз шовиллаган қамишзорларда,  
Сен билан адашиб мангута кетсам.

Менсиз умрингдан маъни топмасанг,  
Сенсиз тонг отмаса, кунлар қелмаса.  
Осмоннинг энг баланд жойига етсак,  
Бизнинг борлигимиз ҳеч ким билмаса.

Энг тоза гуноҳим сен бўлсанг абал,  
Ўзингдан ўзимга сира қелмасам.  
Энг гўзал гуноҳинг мен бўлсам абал,  
Ўзимдан ўзгага сира кетмасанг...

Қиёматта қадар мен билан қолсанг,  
Ҳеч кимга бермаган хатоинг бўлсам.  
Қилич нафасларинг жонимни олса,  
Аччиқ софинчингдан қайта тирилсам.

---

## СЕН ТУШГА ЎХШАЙСАН

Лойимни оловдан қорган Илоҳим,  
Ишқ эмас, йигирма беш йил ўт ичдим.  
Сен қайси фалакда? Тентирад руҳим,  
Изларинг ахтариб қанотсиз учдим.

Ўзим олов, борар манзилим олов,  
Дунё чидолмайди ёнсам тафтимга.  
Кипригинг туташган мангалик аро,  
Кул бўлдим чўғларинг тутиб кафтимга.

Аямай кўксимга киприкларинг от,  
Күёшсиз бағрингдан кечаман, дунё.  
Кўзларимни юмсанмай, айт,  
Хурмидинг... нурмидинг... тушмидинг... рўё...

Мен сенга аталган кўз ёшман, сента!  
Ёнсам соchlаримда исинар борлиқ.  
Сен тушга ўхшайсан, энг гўзал тушга,  
Хаёлимда бору ҳаётимда йўқ.



---

## АРМОН БҮЛҒАЙ

Сизни суидим бошим турар дор остина,  
Харидорман ўзим харидор устина,  
Не ғам бўлса розидурман ёр устина,  
Баҳорларим азонларда хазон бўлғай.

Хуш дийдорлиғ сўрайдирман осмонлардан,  
Бир бор ичиб, минг бор кечдим сайҳонлардан,  
Бир ҳув десам келса ўша томонлардан,  
Озорлари дардларимга дармон бўлғай.

Надур юлдуз юрагимга ўт ёқмаса,  
Надур денгиз тўлқинида гул оқмаса,  
Надур бу ишқ – ёнимда ёр бир боқмаса,  
Гар оҳимдан дунё томи вайрон бўлғай.

Догингизда куйганларим сароб эмас,  
Ишқим Ҳақнинг даргоҳида ҳароб эмас,  
Ичиб ўлай десам дунё шароб эмас,  
Орзуларим энди бир-бир армон бўлғай.

Сиз қайдасиз мен ўзимга бегонаман,  
Дунёлардан чиқиб кетган девонаман,  
Ўзим ёқсан шамга ўзим парвонаман,  
Бу ҳолимга замонлар ҳам ҳайрон бўлғай.

---

## КЕЧИРГИН

Қайданам учратдим, қайданам сўйдим,  
Қандайин хаёлсан унутолмайман.  
Мени чақиргандек бўлар овозинг,  
Кечалар бағридан ҳеч кетолмайман.

Томчидек тўкилдим қақроқ лабингга,  
Сездингми ё титраб айладингми ёд?  
Жонсиз жисмим аро ўзинг ишқ бериб,  
Нега ҳаётимни айладинг барбод?

Сенсиз дунёларда ғариб титрадим,  
Билмадинг, севмадинг, нега келмадинг?!  
Изсиз юлдузлардек сўндим, тўзидим,  
Жоним, жондан ортиқ асрай олмадинг.

Қорларнинг бағрида унган гулмидим,  
Қайси йўлдан борай бариси муздек.  
Мен сени қанчалар севдим, билмадим,  
Шамолдек тентираб, саргардон куздек...

Ўзимдан кечмоқни истайман шу дам,  
Бунча киприкларинг жонимга яқин.  
Ҳеч кимга билдирамай кўзингта кирсам,  
Сўнгти бор адашсам мени кечиргин.

---

## НИГОҲЛАРИНГ ЎРТАР

Хонамга бостириб кирав хавотир,  
Муаззам туйғулар этади таъқиб.  
Мен қайга қочайин, айта қол ахир,  
Хаёлларинг келса қилич кўтариб.

Бу тунда заррача шафқат йўқ, жоним,  
Ҳар битта бўлагим узлатда ётса.  
Мен қайга кетайин, борар йўлларим  
Сенинг йудларингта қоришиб кетса?

Нега кетолмайсан мендан узилиб,  
Ғамларга қўмилса ёлғиз бу бошинг.  
Мен қандай бепарво турай термилиб,  
Қўшни деразани ювса кўз ёшинг?

Хона ҳам ҳўмраяр беҳуд, бесало,  
Этасиз ҳисларим тентирааб юрса.  
Мен қандай яшайман тўрт девор аро,  
Ғамгин нигоҳларинг қадалиб турса?



---

## ИШҚНИНГ ЯКТОСИ

Мен севиб ўлгандим,  
севиб тирилдим,  
Дунёни куйдирди ўтпарат гуллар.  
Яна телбаланди ғамзада қўнглим,  
Ойнинг шуъласидан тушалди йўллар.  
Ногоҳ кўксингизга йиқилдим беҳол,  
Киприкларим қадар музлар эриди.  
Исмимни танимай чақирар шамол,  
Сизгача...  
кўнглимда кимлар бор эди?  
Юрагимни еган бўрилар тутқин,  
Майсаларга яшил қоним ичирдим.  
Эртаксиз дунёда афсунман  
афсун,  
Сизгача...  
не ўтди... барин кечирдим.  
Сизгача...  
Дунёни севмовдим бундай,  
Тонгларни симириб ичдим тун бўйи.  
Ғунчалар лабидан тугилдим ҳурдай,  
Танамни куйдирди жунунваш куйи.  
Жаҳаннам ўтини танладим кечир,  
Мен ишқнинг яктоси,  
ишқнинг яктоси.  
Ё Оллоҳ, жаннатдан бир қултум ичир,  
Мен Момо Ҳавонинг сўнгти хатоси!..

---

\* \* \*

Дунё танимаган мўъжизангдирман!  
Тақдирим тўқийди афсунгар момо.  
Ҳали ўқилмаган минг бир кечаман,  
Юрагим қўриқлаб ётар аждарҳо.  
Йўлларим боғлаган юлдузлар соқчи,  
Ваъдабоз осмон ҳам қуруқ бир этак.  
Ўғирлаб кетсайди ўн тўрт қароқчи,  
Минг бир кечаларга айтардим эртак.  
Минг бир кечалардан топардим сизни,  
Жонимни ўйнайди қирқта сеҳргар.  
Минг бир кечалардан ахтаринг мени,  
Эртагим тутамас, тугайди саҳар.

Дунё танимаган мўъжизангдирман!..





\* \* \*

Ҳаммаси – ўткинчи, ҳаммаси – ҳаво,  
Барига қўл силтаб, соchlаримда оқ.  
Мен учун сеҳрга кўмилган маъво,  
Сен учун ёнмоқда юлдузларга бок.

Қанлай яхши боринг... борлигим ахир,  
Ғамдийда ичимда кўкарап ҳавас.  
Аччиқ кўз ёш билан тутамас тақдир,  
Айрилиқ дунёнинг охири эмас.

Мени кўзларингда адаштириб кет,  
Энг гўзал армонинг бўлайин ўзим.  
Нақадар севмоқ – баҳт, севилмоқлик – баҳт,  
Гул ёшда севмаслик гуноҳ Азизим!

Ҳаётда энг сўнгги чорамас хато,  
Бир умр сўнмоқлик фаслимас билгин.  
Қарагин, нур тўкиб турибди само,  
Ҳали яшаш мумкин, кутиш ҳам мумкин!





Шаҳар тун қўйнида мудрайди карахт,  
 Қисматим айрилиқ... кўз ёшми фақат?  
 Биламан, ҳар кимга керак иқбол, баҳт,  
 Ўйғоқ юрагимдан сўрайман шафқат.

Наҳотки бир умр ёнсам куйингда,  
 Наҳотки ёдингта тушмасам сира.  
 Сен ишқда бепарво, сенинг ўйингда,  
 Мен унут суратман... унут хотира.

Йўқ, сендан даъвоим, сўрамам ажр,  
 Соғиндим, соғинчим кўзим гавҳари.  
 Ҳеч кимдан йўқ гинам, аразим ахир,  
 Хотиржам бўлсанг бас, кўнглим сарвари.

Йўқ, менда ҳаловат, йўқ менга ҳаёт,  
 Кезаман шубҳага кўмилган борлиқ.  
 Ўзгани баҳтиёр этибсан ҳайҳот,  
 Бу кеча кулбамда тонг отмас ёруғ.



---

## ЯШИЛ ҚҮЛҚОП

Дунё – телба руҳимдек караҳт,  
Зумрад оқшом кечар мисли туш.  
Кумуш янглиғ либоси оппоқ  
Деразамдан кириб келар қиши.

Кулбам узра тарағмиш зиё,  
Бўронлар ҳам қолгандек тинчиб.  
Фам-ғуссага тўлган бу дунё –  
Унутаман қорга беланиб.

Музликларда исинар руҳим,  
Изгириналар ботар тиф каби.  
Ва кўксимни ёқади сим-сим  
Кишининг оппоқ изтироблари.

Кор кўксимда эрийди беун,  
Бахтиёрман, лекин шу топда.  
Ва дунёдан ўтаман бир кун,  
Музламасдан, яшил қўлқопда.



---

## ҚОР ОДАМ

Кипригимдан сўнгти қорлардек  
Илинжларим тўкилаётир.  
Энди сизга қайтмасам керак,  
Музлаб-музлаб кетаётирман.

Изгириналар жондан ўтади  
Туташмади сиз-ла тақдирлар.  
Энди қайга олиб кетади,  
Февраль ичра кечган умрлар.

Хаёлларим кезар дарбадар,  
Нигоҳларим беланар қорға.  
Энди қалин туманлар тушар,  
Юракдаги арчазорларга.

Кўзингизда излари қолди,  
Нигоҳимдан тўкилган ғамнинг.  
Кетаётиб иситтим келди,  
Юракдаги бир қор Одамни.



---

## СҮНГИ ЙЎЛ

Хайр энди, сўнгти Алвидо,  
Кўзларимда қолди муз эпкин.  
Бу боғлар ҳам ўранди ридо  
Эрта сўнган севгимиз учун.

Куимадим гар қолиб дөғингда,  
Кипригингдан тўқилмади ғам.  
Қайт демадим кетар чоғингда  
Ёнимда қол демадинг сен ҳам.

Майли, кетгин... кетавер олис,  
Юрагингда қолмасин армон.  
Қайтиб келма чўкканингча тиз,  
Эслатмасин сени Художон.

Хайр энди, сўнгти Алвидо,  
Шароб каби тўқилди умрим.  
Эрта сунган севгимиз учун  
На қувондик, на йифладик жим.



\* \* \*

Йигламайман... севмайман ортиқ,  
Қалбим ўртар уни эсласам.  
Гулим, бунча аянчли борлиқ,  
Шунинг учун кўзларимда ғам.

Мен тушундим... ҳаммаси жафо,  
Бу дунёси кўзилик эртак.  
Унумайман, хайр, Бевафо,  
Менга афсун... шамолга эрмак.

Гулим, бизни кутмоқда йўллар,  
Бунча ғамли, изтиробли қишиш.  
Яна келар телба мактублар,  
Севмоқликка йўқ менда хоҳиш.

Шундан бери дунёлар бечўғ,  
Кўзларила чукмишлир баҳтим.  
Гулим, гулим, бизда гуноҳ йўқ,  
Унда гуноҳ йўқ эди балким.





Гул ёшлигим куйди ғамингда,  
Қора сочим куйдирсин сени.  
Ҳар нафасинг, ҳар қадамингда,  
Гўзал ёринг эслатсин мени.

Умринг адо этсин куз ёшим,  
Унуголма мени ҳеч қачон.  
Абал банди этсин хаёлим,  
Абал ичинг ёндиригин армон.

Англомагин азобинг, баҳтинг,  
Бағринг ўйсин кўзимдаги хун.  
Ёмғирларга тўлсин ҳаётинг,  
Сўнгин, куйгин, охир тукилгин!



---

\* \* \*

Бир дераза нарида ҳаёт,  
Сўнгсиз ғамлар қучади мени.  
Қотиб қолган нигоҳим караҳт,  
Ким йиглатди бугун Моцартни.

Бир жуфт парда чайқалар бот-бот,  
Отиламан дераза томон.  
Кечаларда йўқдир ҳаловат,  
Кўчаларда аламнок туман.

Дунё тўхтар, тўхтамас Моцарт,  
Қанча кузга боқдим бепарво.  
Ҳар тун шу куй авжида ҳайҳот,  
Шамолларга қилмадим парво.

Вужудимда оқар алангта,  
Тутқич бермас йигирма беш от.  
Ҳар кун ҳаёт бағишлар менга,  
Моцарт бўлиб туғилган йигит!

---



Хадиксиар бөғларда оқшом,  
Кўкка етиб борди тилагим.  
Ёдингизга туширас шу дам,  
Келишингиз сезар юрагим.

Сочларимни тўзғитар шамол,  
Ишқ кўксимга ботмоқда оғриқ.  
Файб бөғлар кезаман беҳол,  
Сизни кутиб тушларим уйғоқ.

Остонада гуллайди алам,  
Ҳавасларим кетар тўкилиб.  
Борлиғимни тилкалайди ғам,  
Эшикларнинг тутқичи қизиб.

Вужудимни босади титроқ,  
Тўкиламан сиз келар йўлга.  
Йигирма йил кечар бир лаҳза,  
Жон берасиз кўмилиб гулга.

---

\* \* \*

Кўз ёшимни севдингиз нега,  
Севаман деб алдадим ўзни.  
Биз соғинган ёмғирли кеча,  
Бир тасодиф учратди сизни.

Кўзингизда чўкиб кетган чин,  
У одамга ўхшагим келди.  
Унга ўхшаб кетганингиз чун,  
Сизни топиб яшагим келди.

Қайтардингиз яна ҳаётта,  
Борингизни кўмдим сеҳрга.  
Зор эдингиз битта шафқатта,  
Ташна эдим битта меҳрга.

Ўша осмон, ой, қуёш, юлдуз,  
Кўксингизга олов отмасми?  
Аро йўлда кетмоқ видосиз,  
Кўнглимиизга оғир ботмасми?

Ўхшамайсиз ҳеч қачон, ҳеч вақт,  
Тушунмадим кўнглингиз нега?  
Мен кимнидир эсладим фақат,  
Эслатдингиз кимнидир менга.

---

\* \* \*

Ёз оқшоми кечар бемажол,  
Ой нурига қоришар күнглим.  
Эсганида бир иссиқ шамол,  
Беҳизорга тулашди йўлим.

Юлдузларнинг оғушида тун,  
Довдирайди сокин карахтлик.  
Димогимда нотаниш эпкин,  
Юрагимта ботар сенсизлик.

---

## ВИДО

Мен ўлимин кутаёттган одам,  
Тилларимда энг сўнгги баёт.  
Кучоқлашиб кўришайлик, ғам,  
Кел, мен билан видолаш, ҳаёт!

Сарғаяди куз тўла ҳовли,  
Кимга керак омонат жонинг.  
Кучогимда гулларим бахтли,  
Мен эртага йўқман, ишонинг.

Багрим ёқар икки томчи ғам,  
Тўкиламан тилагингизга.  
Мен дунёдан ўтар бўлсам ҳам  
Яшайманми юрагингизда?

Тоғдек ўсиб борар дардларим,  
Қора кийган сабрларимга.  
Сизни элтар сариқ гулларим  
Ҳасрат чўккан қабрларимга.

Худойимдан ишқингиз сўраб,  
Сизни интиқ кутар йўлларим.  
Қабримда ҳам лабларим қонаб,  
Гуллаб ётар менинг қўлларим.



Қачонлардир ёққан юлдузинг,  
Шундай урган аввал ҳам юрак.  
Таниб қолдим таниш кўзларинг,  
Қачонлардир учрашганмиз лек.

Қачон тугар айрилиқ ва гам,  
Мўъжизасан: сенга сигиндим.  
Кутқариб қол, кўзларим очсам,  
Мен сен учун ҳар кун туғилдим.

Тиф учида айланар фалак,  
Қайгуларинг... азобинг таниш.  
Учрашамиз сезади юрак  
Худди бордек қайта тирилиш.





\* \* \*

Нега кетдим сиздан олислаб  
Бахтим эди қайгуларингиз.  
Нима топдим қисмат қоралаб  
Ҳали ҳам ҳур туйғуларингиз.

Кўксимдаги ҳисларим ғижим,  
Тўзгидим ғам тўфонларида.  
Борар йўлдан адашдим, қайтдим,  
Сочларингиз туманларида.

Нигоҳимдан тўкилар фурсат,  
Тутмадингиз қўлимдан нега?  
Кимлардандир қадрдон ғурбат,  
Нималардан азиэроқ ғусса.

Кўксингизга ботар хаста куз,  
Кўзингизга қараб йиғладим.  
Мендан кетиб нима топдингиз,  
Сиздан кетиб на бахти бўлдим.



---

## ОНА ЕР

Кўринмайди на дўст, на ғаним,  
Яшамоқлик келмасми малол?  
Ўзим – голиб, мағлуб – мен ўзим,  
Курашларга чорламас хаёл.

Қизиқтирмас на мансаб, шуҳрат,  
Пешонамга битмаган баҳтлар.  
Давраларни кезар хусумат,  
Дўстларимдан содиқ дараҳтлар.

Ҳатто севги юбормас хабар,  
Омад гўё ўтирган юзин.  
Узлатларга кетаман бадар,  
Мушфиқ халқдан сўрайман изн.

У ҳар лаҳза меҳр узатиб,  
Сингиб борар менга кун сайин.  
Катта йўлга ўзи кузатиб  
Ўзи кутиб олмоғи тайин.

У – мангур йўл, демак, кўнглим тўқ,  
Унда кезар муқим хаёлим.  
Бундан бошқа баҳтли бўлгим йўқ:  
Шу халқ менинг баҳтим, иқболим.

Ўтмишидан сўзлайди ҳикмат,  
Навоийнинг тилида шеърим.  
Керак эмас, менга шон-шуҳрат,  
Рози бўлсанг бас, Она ерим!

---

## ҚУЁШГА ЙЎЛ

Шоир юрагимга ҳеч нарса сиғмас,  
Ҳозир шароб керак,  
сен керак дўстим!  
Қарсакбоз саҳналар дардимни билмас,  
Каззоб давралардан жуда зерикдим.  
Шунча йил шаҳардан нима изладик,  
Қонталаш уфққа ғамлар ботгайдир.  
Нега буюк манзилларни кўзладик,  
Балки орзуимиз алдаётгандир.  
Интиқиб кутади неча тонг отиб,  
Телеграф юборган онамиз хати.  
Отамиз ер чопар қора тер ботиб,  
Қуруқ хаёл суриб яшаш ғалати.  
Барига қўл силтаб йиглашинг тайин,  
Кўксимда ҳисларим қолди яланғоч.  
Яшаш ҳам бунчалик бўлмасди қийин,  
Дунё тафаккурга бўлмагандга оч.  
Ўзини зулматга урад оломон,  
Энг тоза фикрлар керак одамга.  
Разолат чекинмас экан ҳеч қачон,  
Энг тоза фикрлар керак оламга!  
Керакдир муҳаббат,  
керакдир шафқат,  
Хиёнат — дунёning битмас яраси.  
Собит бўлганида вафо, садоқат,

Бахти бўлармиди одам боласи!  
Рутубат ҷоҳларда яшагим келмай,  
Мен виждан ҳақида ўйлайман илло,  
Айтмасдан қуёшга элттувчи бир сўз,  
Яшашга,  
ўлишга ҳаққим йўқ асло!



---

## МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН ОДАМ

Мен туғилиб ўсган бу Она замин,  
Бағрини беради дараҳтларга ҳам.  
Юрагим яланғоч қолиб кетди чин,  
Йиллар ҳисларимни янчиб кетган дам.

Йигирма йил умрим саргардонлиқда,  
Эгасиз кунларим ғафлатта ботди.  
Осмондан гулдираб келган чақмоқлар,  
Аёвсиз оловлар бағрига отди.

Қовурғам тагида йиглайди бирор,  
Хазонлар ичиде кечган ўйингми?  
Тұқилиб бораман хаёлинг аро,  
Сендан узилмоқлик шунча қийинми?

Сен ҳали умрингда севмагансан йўқ,  
Бошимдан булутдек түзғидинг, ўтдинг.  
Билардинг дунёning тошлари совуқ,  
Сен мени тошларга ташладинг, кетдинг.

Кўққисидан келса ташвишли онлар,  
Бехосдан оғринса жонинг бедаво.  
Кўксингда ялтираб турган унвонлар,  
Оч қолсанг нон бермас, яшасанг ҳаво.

Худонинг энг ожиз бандаларимиз,  
Билмаймиз, эртага қандай тонг отар.  
Бир нафас чиққунча – омонат умринг,  
Бир нафас киргунча – жонинг хатарда.

Ёвузлик дунёга бўлолмас устун,  
Дунёning жабри куп билсанг шунда ҳам.  
Зулму ситамларни парчалаб яша,  
Ахир муҳаббатдан яралган Одам!



---

## СҮНМАС ҚУЁШМИЗ

Кўз очиб ғам кўрдик ҳасис очунда,  
Очилмай, узилмай гулимиз сўлди.  
Фисқ-фасод урчиган ғаюр заминда,  
Фақат кирланмаган қўнглиминиз қолди.  
Айрилдик, айрилмас руҳимиз мангу!  
Чайир хаёлларнинг куйида измим,  
Надоматга ботмиш ҳасратхоналар.  
Севишдик, гуноҳга ботмадик жоним,  
Шайтонга дарс берар ишратхоналар.  
Нега юзингизда сарғаяр қайфу?  
Сарғаяр арзимас дунё дардидা,  
Бир-бирин дўзахта эттанча тортиқ.  
Суяқ талашгандек бир гала итлар  
Мансабни севарлар жонидан ортиқ.  
Севсак  
Яраттанинг бандасин севдик.  
Кўзимиздан томар бир томчи зиё,  
Наҳот,  
ёруғликда инсонга баҳт йўқ?  
Гул кўриб мендек гул кўрганми дунё,  
Бу олам сиз каби кўрмаган ошиқ.  
Оlamни мунааввар этиб хуш келдик!  
Кетинг,  
кўнгил томон одамкуш боғдан,  
Дунёни оғдиарар ношуд, нокаслар.

Пасткаш иғвогарлар фарқи йўқ зоғдан,  
Нафснинг тўрига илинган каслар,  
Ишқ Ҳақнинг йўлими,  
адашмадик биз!

Фурбатзор оралаб ғамхона бўлдик,  
Ишқсиз юраклардан ўчдик дилихун.  
Асли дунёлардан бегона эдик,  
Биздан бир ишқ қолди...  
минг йиллик афсун,  
Улар сўнгай бир-бир,  
сўнмас Қуёшмиз!



---

## ОТА

Бу дунёning бош-охири ғамми, Ота?!  
Борми ўжар Алибадек девонаси.  
Ўн саккизнинг кўзларига ишонгандим,  
Бунча мени хор қиласди остонаси.

Отам бўлиб ҳайқиради анов даштлар,  
Шамол каби тентирайман, қарорим йўқ.  
Сиз кетасиз майхонами, ғамхонага,  
Худойимдан бошқа ерга борарим йўқ.

Бахт берардим агар менга кўнгил берса,  
Ишқ детани бошдан-оёқ озор экан.  
Бир гул эдим Дарёларни бехуш қиласган,  
Ота, дунё савдоси йўқ бозор экан.

Ҳар кўнгилни кўнгил дея хато қиласим,  
Дали дунё яшолмаган армонингиз.  
Сиз тупроқни, мен юракни паноҳ билдим,  
Кечирмасин даштда қолган чопонингиз.

Бу дунёning бош-охири ғамми, Ота?..



### (Туркум)

*Акам Йўлдошга*

#### I

Ака, кўзларингдек ғамлидир дунё,  
Тўлғониб чиқаман кечаларида.  
Сен ҳам болаликдек унугдингми ё,  
Московнинг дарбадар кўчаларида.

Елкангга бош қўйгим келади ҳозир,  
Чироқлар кўксингга ботмаяптими?  
Онамнинг соchlари йиглаган тунда,  
Московда ҳам тонг отмаяптими?

Ака, қандай яшай, қайдалир овунч,  
Олмазорлар аро тулашмас йўлим.  
Сенинг излаганинг бир мактуб соғинч,  
Менинг топғанларим йиғлоқи шеърим.

Ўша анҳорчамиз... ўша боғ... ҳамон,  
Эсласам, кўзимдан ғамлар тўкилар.  
Московнинг қорли йўлакларидан,  
“Синглим баҳтлимисан” деган хат келар.

Юрагимни дунё тушунмас, Ака,  
Сенсиз қаршимизда чўжмоқда туман.  
Бу дунёни оқлаб бўлмайди, Ака,  
Отамнинг оқарган соchlари билан.

## II

Сиз севмаган дунёни, Ака,  
Ўйинқароқ ўйинидан тўйдим.  
Сиз Хайёмнинг майига ошно,  
Мен Машрабнинг дорини сўйдим.

Синглим дея ўстирасиз гул,  
Ака дедим тоғларни гүё.  
Япроқчалик бўлмадим сингил,  
Менга Ака бўлмади дунё.

Сиз ҳақ излаб тутар умрингиз,  
Юрагимни кимларга тутдим?  
Қадрингиз – хас, етмай ўзимга,  
Мен дунёниг сўнгига етдим.

Сиз ғамларни ичиб ёқасиз,  
Яшолмайман ахир ... қўнгилман.  
Қош, киприги оппоқ Акасиз,  
Ғамлари мўл мағрур сингилман.

Сиз дунёда яшамадингиз,  
Дунё сизда яшади, Ака.  
Сиз отамга ўхшамадингиз,  
Ўхшамадим онамга нега!

## III

Менга мактуб юборманг, Ака,  
Менга ўзингизни юборинг.  
Даштларимни соғиндим жуда,  
Даштларимни келтириб беринг.

Дўст деганим ичимдаги ёв,  
Севги – менинг лолазор бағрим.  
Дунё билан чиқишимадим-ов,  
Чиқишимади мен билан кўнглим.

Товланади муғомбир ҳаёт,  
Кўзларимда совиган шаҳар.  
Ўн саккизим дардлашмас бот-бот,  
Ўн тўққизим сирлашмайди бир.

Энди мактуб ёзмайман сира,  
Жоним ҳалак, жонингиз ҳалак.  
Менга мактуб юборманг, Ака,  
Менга фақат ўзингиз керак.

#### IV

Ака, қандай бахти яшардик,  
Ғуссаларга ботдик улғайиб.  
Икки томон, икки йўл кетдик,  
Қишлоқ қолди бизсиз мунғайиб.

Эсингдами, айни ёз чилла,  
Сойга тушиб хаёл сурардинг.  
Осмонимсан дердим ҳар палла,  
Сен энг ёргу юлдузим дердинг.

Яширолмай қайғуларимни,  
Кўнглим қонар қоғоз қоралаб.  
Сен излайсан кулгуларимни  
Олис пахтазорлар оралаб.

Дунё эса отамдек ғариб,  
Онам каби серташвиш йиллар.

Чорлайверар ҳар дам соғиниб,  
Абри найсон оқизган чўллар.

Ҳар майсада кўз ёшларимиз,  
Ҳар дараҳтда ҳавасларимиз.  
Ҳар тошларда бардошларимиз,  
Ҳар гулларда нафасларимиз.

Ўша осмон... тутанмас эртак,  
Сеҳрлидир ўша кундузлар.  
Кўкка боқсанг энди бир этак,  
Бағринг ёқар синглинг юлдузлар.





Токайгача дорларинг ёрдир,  
Токайгача азоблар санчик.  
Фақат Ундан жон қарзим бордир,  
Дунё сен-ла орамиз очик.

Дараҳт каби экдим сўзимни,  
Давраларга чорламант мени.  
Мен шоирмас, беринг ўзимни,  
Шоирларга бердим дунёни.

Бандасимас бахт берар Ҳакам,  
Кўз ёшимни ичади қалам.  
Ишқимни деб бош эгмас Акам,  
Шеърим ўқиб йифламас Опам.

Шунда мендан тинчийсиз Ота,  
Шунда мени ўлдирмайди ғам.  
Шунда камроқ йифлайсиз Она,  
Шунда узоқ яшайман мен ҳам!



---

## КУЗ

Рұхимни уйғотар сариқ армонлар,  
Заъфарон ҳисларга күмилган дунё.  
Суда чўкаётган эзғин ҳазонлар,  
Чўккан болалигим эслатар гўё.

Беадоқ адирлар бағрида ҳалак,  
Шафаққа туташиб борар йўлларим.  
Оқизиб кетмоқда олтинранг кузак,  
Ёдимга согланча асов йилларим.

Заррин тўлқинларга отаман ўзни,  
Билмадим, қандай тонг отали бу тун?  
Ё, Раббим юборган мен учун кузни,  
Яна кўзларингни эслатмоқ учун.





\* \* \*

Дунё экан, ё барқарор, ё бекарор,  
Қайсар отдек ҳеч кимсага жилов тутмас.  
Нима бўлти, юрагимдан кетсангиз ёр,  
Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмас.

Ўтин бўлдим утавериб минг синовдан,  
Азозиллар дуст тутинган Оллоҳ билан.  
Нима бўлти, дўстим баттар чиқса ёвдан,  
Лойқа дунё азал лойга ботган экан.

Бу гардишнинг ишларидан кулиб ўтдим,  
Тоғдек отам ғарив тошдек қулаётир.  
Нима бупти, бу бевафо дунё экан,  
Йигирмамда тупроқ бўлгим келаётир.



---

\* \* \*

Жонимни кундадек ёқаверасиз,  
Шу дам кетаяпсиз қўзимдан ўтиб.  
Сизга етмасам ҳам боравераман,  
Юрагимни қуёшга тутиб.

Эртага соchlарим шивирламайдур,  
Кўнглим гул баргида йўллайвераман.  
Сиздан хотир келар, хабар келмайдур.  
Сочингизда тонгдек гуллайвераман.

Ер менга, мен сизга юравераман,  
Йўлларим етказмас йўлларимдасиз.  
Севмайман дейману севавераман,  
Севмайман дейсизу қўлларимдасиз.





Хушторларинг фақат раشكимми?  
Изтиробми сенинг севганинг.  
Манглайингда мен Күёшингми,  
Келаман деб ёлғон келишинг.

Сен оламнинг завқидан аъло,  
Лекин мендан азиздир ишинг.  
Бир бандаси шунча-да барно,  
Севаман деб ёлғон севишинг.

Менинг ғамда чопди омадим,  
Ёқар юрагимдан утишинг.  
Юрагиммас ёқар қоматим  
Кетаман деб ёлғон кетишинг.

Гул бўйларим гулдек сўнарми,  
Дил кўшкининг қорайди фасли.  
Зеболарга эҳсон Тўрам-а,  
Ёлғонларинг ёқади асли.



---

\* \* \*

Титрайман бир куни бехуд, бесадо,  
Музлаб қолади қароқларимиз.  
Сўниб бораверар олов бўсалар,  
Тўкилиб кетади титроқларимиз.  
Балки эсламасмиз бир-биримизни,  
Моғор босиб қолар ёдимиз бевақт.  
Сизга атаб ёзган шеърларим билан  
Абадий қолади юрагим фақат.



\*\*\*

Бўйларингиз осмондан баланд,  
Қошларингиз туташмас йўлим.  
Юрагингиз гуллар билан банд,  
Дийдорингиз қиёмат қойим.

Қадамингиз гумоним, рашким,  
Хаёлингиз қилич баногоҳ.  
Сизни шундай бўлурми севиб,  
Севмаслик ҳам энг катта гуноҳ.

Ҳамма учун баҳтдир борингиз,  
Шафқатингиз бир хил беадоқ.  
Етолмаган ҳеч бир ёрингиз,  
Кўксингиз ҳув олис Тангритоғ.

Жаннатларни келасиз бошлаб,  
Баҳрингиздан бехуд ўтолмас.  
Сиз ҳаммани кетасиз ташлаб,  
Сизни ҳеч ким ташлаб кетолмас.





Кунларимнинг кўйлаги қора,  
Изтиробнинг кўзлари намли.  
Мен ҳеч кимга ўшамам, Она,  
Қайгуларим ўзимдан ғамли.

Шум тақдирга кўнмадим сира,  
Мен борар йўл эшиги ёпиқ.  
Сиз яшайсиз тирик хотира,  
Мендан ўтди қанча айрилиқ.

Мен ўлганга ўхшайман гўё,  
Ҳеч кимсани қилмадим ризо.  
Ўзимдек терс бурилган дунё,  
Мендан хафа, мендан норизо.

Борлиғимдан оғринар борлиқ,  
Лабларимда музлаётир қиш.  
Қандай азоб, қандай телбалик,  
Йигирма йил яшамай севмоқ...

Кўзларимда соғинчлар ранғти,  
Борлиғим – ғам, борлиғим – ридо.  
Менга бундай қарама, Тангри,  
Овутолмас энди бу дунё.

Кунларимнинг кўйлаги қора,  
Изтиробнинг кўзлари намли.  
Мен ҳеч кимга ўшамам, Она,  
Қайгуларим ўзимдан ғамли.

---

## БЕДОРЛИК

Мен сизни жудаям соғиниб кетдим,  
Милён йил кўксимда қон кечар юрак.  
Йўлингизни тўсган дараҳтдек кутдим,  
Дарчамда осилди бир оппоқ кўйлак.

Афсунгар тун каби ётади хийла,  
Паришон сочингиз туманларида.  
Сиз менинг кўксимда – биринчи қибла,  
Кўнглимнинг поёnsиз уммонларида.

Ойдин тун қўйнида кўнгил тўлмасми,  
Нурларга чирмашиб ойдек ботмасак.  
Жимгина яшамоқ гуноҳ бўлмасми,  
Олов фаслимиизда олов отмасак.

Кетаман... Йўлимда йўл йўқ хатар бор,  
Жаннат боғларидан кечиб келаман.  
Дилимда битта сўз йиглайди такрор:  
Севаман... севаман... ахир, севаман!..

Самолар ортида қолгайдир изим,  
Эшикни очингиз нурларга тўлгай.  
Мен баридан кечиб келдим, азизим,  
Нима бўлсан бўлай, сизники бўлай...



Ёмғир күзларимда хасдек оқди кун,  
Ёмғир киприкларинг билан кетаяпсан.  
Сенинг дийдорингга бир бор түймайин,  
Сўнг бор кўзларинтга тўкилаяпман.  
Зангори ҳавони булутлар кесар,  
Нафасинг узоқлаб борар тобора.  
Қояда осилган томчидек титраб турибман.

Мендан кўзларингни юмиб юборма!..





Ўзингиздан қандай кечасиз, қайга,  
Саркаш туйғуларим кечар дарёдан.  
Сиздан кечолмайман, бориб мангута,  
Қайта тириламан Арши Аълодан.

Қандай унугасиз бедорингизни,  
Кўзингизда гуллаб юборсам ошкор.  
Ҳар кун бир кўрай деб дийдорингизни,  
Худодан сўрайман ҳар куни минг бор.

Фаришталар боғлаб кеттан риштамиз,  
Мендан кетолмайсиз ахир ҳеч қачон.  
Хато қилмайман деб хато қиласиз,  
Энг буюк гуноҳим – сизни севаман!..

Қаерга беркитай титроқларимни,  
Бу ишқим сифмаса, ер-кўкка айтинг?  
Мени ташлаб кетаётган ўзимдан,  
Ўзингизни толиб қайта яралинг.





Бегим-о,  
Ҳиссиз дунёдан тўйдим,  
Илиндим самонинг марҳаматига.  
Армоним тош қотиб кўмилдим,  
Безавол ишқимнинг салтанатига.

Бегим-о,  
Бир бода ичиргил,  
Бошимда аҳдсиз кун, баҳтсиз кун.  
Юрак — кўршапалак кечиргил,  
Осий бир бандантман дили хун.

Бегим-о,  
Ёмғирдек тўкилдим,  
Дегайлар: — “Сир айтма анҳорга”.  
Дард ютиб чок-чокдан сўкилдим,  
Етишим мушкулдир баҳорга.



---

## ЯНГИ КУН

Эртага тонг отади албат,  
Тун чўлғонар самовий нурга.  
Кечагидан айрича кунлар,  
Кумилгайдир сукутта, сирга.

Темир панжаралар ортида,  
Ваҳималар босилар шу кез.  
Эрк күёши ёндирган ўтда,  
Ёғдуларни тўкар заррин куз.

Умидларга, ёруғликларга,  
Олиб чиқар юлдузлар сергак.  
Зим-зиёсиз қоронгуликда,  
Бир ойдинлик сезади юрак.

Турфа тақдир... манзиллар томон,  
Учишга шай турап тайёра.  
Бу серташвиш одамлар билан  
Бедорликда Она сайёра.

Гуллаётган намозшомгуллар,  
Сингиб кетар орзуларга нақ.  
Кимдир қишининг ғамини ўйлар,  
Кимдир баҳор юмушига ғарқ.

Сенга бари бирми ҳаммаси,  
Кўзларингда ғашликлар мудом.  
Орзуларинг сўнган чамаси,  
Ҳаёт шундай этмайди давом.

Кўлларингга яшашни ўргат,  
Булутларни кечиб ўт бардам.  
Ўйла, дунё тубанликдан ёт,  
Ғаниматдир ҳар лаҳза, ҳар дам.

Юрагингда уйғонсин ҳавас,  
Олисларга кўмилган афсун.  
Фақат, бугун уйғонолсанг бас,  
Бошланади эрта янги кун.





Сиз ҳали билмайсиз, экиб тупроққа,  
Ердан дараҳт бўлиб унганлигимни.  
Сиз ҳали билмайсиз бир япроқ каби,  
Энг баланд тоғ каби ўстанлигимни.

Тошдан бўлак не кўрди қўлларингиз, ёв,  
Ҳақ бўлди дунёда излаб юрганим.  
Сиз ҳали билмайсиз, мендек бир олов,  
Кулларнинг тагида чўғдек турганим.

Кўрасиз, бехосдан ҳали бир куни,  
Гуллаб юбораман шаксиз, шубҳасиз.  
Сизга раҳмим келар ўша гулларни,  
Дунёдан пайқамай ўтиб кетасиз.





Қайсарлигим етар бошимга,  
Бўядилар чиқмали рангим.  
Тандир қорди кўзим ёшига,  
Ҳис қолилга тушмадим Раббим.

Ўз-ўзимга жонимни ёвлаб,  
Ўз-ўзимдан бездирди кўнглим.  
Замон ўтди кўнглимни овлаб,  
Дунёсига сифмадим Раббим.

Сифингандим ишқча охири,  
Ибодатта кечикди сўнгтим.  
На Адиба, на осий, даҳрий,  
Мен ким бўлдим билмадим Раббим?..





\* \* \*

Сиз чун яна дунёга келиб,  
Севсам ўзим, кечиб ҳаммадан.  
Жаннатидан қувилсам сиз деб,  
Сиз деб ёнсам жаҳнамида.

Фамингизга стмаса умрим,  
Сиз чун яна қайта тирилсам.  
Қиёматда билмасдан ҳеч ким,  
Яна сизга қайта берилсам.

Борингизни ҳис этса руҳим,  
Кўзларимни юмсам, тўлсангиз.  
Хаёл, эртак, туш эмас жоним,  
Ҳаётимнинг Беги бўлсангиз.





Ортимдан эргашиб чопмайди сахро,  
Қорайиб ётибди адирлар бағри.  
Хар кун юрагимдан ўтиб борар-о,  
Олис поездларнинг чинқириғлари.

Болаликтепага айланган қирлар,  
Қақшаган кўксимда қақраётир чўл.  
Наҳот, бу оламда тутаган сирлар,  
Баҳорлар гуллигин унутган буткул.

Сўроқсиз тун эмас, бир жуфт қора от,  
Шамолдек учирив борар тобора.  
Кўксимни қашқирдек ғажийди ҳаёт,  
Ортимдан калхатдек қувар хотира.

Қаерга қочмайин ҳар томоним берк,  
Илоҳ боғларида сарғаяр беҳишт.  
Осмонда на нур бор, на бир ёруғлик,  
Күёшни уйғотиб юбормайди Дашт.

Ёвқир болалигим ётибди нечун,  
Бўрига ташланган ўлжадек титраб.  
Бир парча ерини қизғонар замин,  
Дунёси боқади бегонасираб.



Ўчиридими кимдир қалбидан,  
Ё ёдига тушдимми яна?  
Ўша тунги бўрон зарбидан,  
Юрагимдек дарз кетди ойна.

О, эсладим... у кунлар бошқа,  
Кулбам узра сочарди ёғду.  
Хаёлларим тўзғиб ҳар ёққа,  
Менга сира бермасди уйку.

Айланаман синик кўзгуга,  
Сарғаяди юракларимиз.  
Беланганди дунё оқ рангта,  
Яшил эди тилақларимиз.

Энди нега довуллар туриб,  
Нураб борар бағрим кун сайин.  
Бу ёруғдан шамоллар кириб,  
Аччиқ ёмғир уради ўзин.



---



## ТҮРТЛИКЛАР

Ёлгизликдан титрайман дағ-дағ,  
Хамма кетди күрингас дарға.  
Үз ҳолимга қўймайин қағ-қағ,  
Гўшт сўйман деб қолди бир қарға.

\* \* \*

Қайирдилар қанотин шу он,  
Суғирдилар тилини шартта.  
Қафасда ҳам ўзича нолон  
Фудранади бечора қушча.



---

## МУНДАРИЖА

Сўэбоши ( <i>Сирожиддин Сайид</i> ) .....	3
Дашт .....	4
Англадим .....	6
Эркман .....	8
Орзу .....	9
Қалбимдаги қиблам .....	10
Пушкин ҳайкали қошида .....	12
Шоир ва мен .....	13
Ҳаёт қушиғи .....	15
Мактуб .....	17
Болаликка мактуб .....	18
Кема .....	19
Дарё .....	20
Менинг оловларим .....	22
Қайтиш .....	23
Хотираларим .....	24
Шеър .....	25
Истиҳола .....	26
Какку .....	27
“Қайларгадир...” .....	28
“Юрагингни ёмғирга бўшат...” .....	29
Коронғу уй .....	30
Рассом .....	31
Ҳадик .....	32
Яшаш фасли .....	33

Март оқшоми .....	34
“Ташқарида...” .....	35
Ўн тўққизнинг соchlари оппоқ .....	36
“Сенинг измингдадир...” .....	37
Руҳимда уйғон .....	38
“Айт ўзи оламда ...” .....	39
“ Кимсасиз ...” .....	40
“Мен келиб-келиб” .....	41
“Келсайдинг...” .....	42
“Борлиғим – хатодир ...” .....	43
Қўмсаш .....	44
“Минг йилки...” .....	45
Ёмғиржон .....	46
Ёлғизлик .....	47
Софинч .....	48
Сен тушга ўхшайсан .....	49
Армон бўлғай .....	50
Кечиргин .....	51
Нигоҳларинг ўртар .....	52
Ишқнинг яктоси .....	53
“Дунё...” .....	54
“Ҳаммаси – ўткинчи...” .....	55
“Шаҳар тун қўйнида...” .....	56
Яшил қўлқоп .....	57
Қор одам .....	58
Сўнгги йўл .....	59
“Йиғламайман...” .....	60
“Гул ёшлигим...” .....	61
“Бир дераза...” .....	62
“Ҳадиксирадар боғларда оқшом...” .....	63
“Кўз ёшимни севдингиз нега...” .....	64
“Ез оқшоми...” .....	65

Видо .....	66
“Қачонлардир ёқсан...” .....	67
“Нега кетдим...” .....	68
Она ер .....	69
Күёшга йўл .....	70
Мұҳаббатдан яралған одам .....	72
Сўнмас қуёшмиз .....	74
Ота .....	76
Акам Йўлдошга ( <i>Туркум</i> ) .....	77
“Токайгача...” .....	81
Куз .....	82
“Дунё экан...” .....	83
“Жонимни кунладек ёқаверасиз...” .....	84
“Хушторларинг...” .....	85
“Титрайман...” .....	86
“Бўйларингиз...” .....	87
“Кунларимнинг...” .....	88
Бедорлик .....	89
“Ёмғир кўзларимда...” .....	90
“Ўзингиздан қандай...” .....	91
“Бегим-о...” .....	92
Янги кун .....	93
“Сиз ҳали билмайсиз...” .....	95
“Қайсаrlигим...” .....	96
“Сиз чун...” .....	97
“Ортимдан...” .....	98
“Ўчирдими...” .....	99
Тўртликлар .....	100

*Адабий-бадиий нашр*

**Адиба Умирова**

**ҚУЁШГА ЙЎЛ**

*Шеърлар*

**Нашр учун масъул Муҳаммад Исмоил**

**Муҳаррир Аброр Қиличев**

**Мусаввир Олег Холодняков**

**Бадиий муҳаррир Анатолий Бобров**

**Техник муҳаррир Татьяна Смирнова**

**Мусаҳҳид Доно Тўйчиева**

**Компьютерда саҳифаловчи Зилола Маннопова**

**ИБ № 4738**

**Босишига 11.07.08 й.ла рухсат этилди. Бичими 70x90 ¼,  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 3,80 шартли босма**

**тобоқ. 4,2 нашр тобоги. Адади 3000 нусха.**

**258 рақамли буюргта. 96–2008 рақамли шартнома.**

**Баҳоси шартнома асосида.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашиёр-матбаа ижодий уйи.**

**100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.**

**100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.**

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)**